

Ishonch

2018-yil 8-fevral • payshanba • № 17 (3990)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Иброҳимга Президент совғаси — «SPARK» автомашинаси топширилди

Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Иброҳим Ғафоров биринчи ўринни эгаллади ва унга Президент совғаси — «Spark» автомашинаси қалити топширилди.

3-бет



Кам бўлса-да, бировнинг ҳаққи

Самарқанд шаҳридаги 11-мактабнинг собиқ тарих ўқитувчиси Жасур Муҳаммадиевга тегишли 100 минг сўм маошнинг ундирилиши арзимас воқеадек кўринади, бу ишнинг осонликча кўчмагани ҳайратланарли...

3-бет



Навоий — бизнинг огоҳлигимиз

Эътибор берганмисиз? Навоий ҳамма ҳолларда ва ўзининг барча ҳаётий мақоматларида худди... Ҳа, худди Худо назар солиб тургандай эзди. Сўз унга қоинотнинг қаъридан ёғилиб келаётганга ўхшайди.

4-бет



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИЧКИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Амалий чора-тадбирлар режаси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаллик:

бир ой муддатда туризм инфратузилмасининг бандлигини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар миқёсида турлар ва экскурсияларни ташкил қилиш жадвалларини тасдиқласин;

2>

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг телефон орқали мулоқоти тўғрисида

2018 йил 7 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқотда икки давлат раҳбарлари 2017 йил октябр ойда Туркия Республикасига амалга оширилган олий даражадаги самарали ташриф кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққанини мамнуният билан қайд этдилар.

Ушбу тарихий ташриф якунлари бўйича эришилган амал қилиш ва имзоланган битимларнинг бажарилиши, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технология, банк-молия, транспорт, туризм ва бошқа муҳим соҳалардаги йirik қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Мазкур келишувларни ҳаётга тўлиқ ва ўз муддатда татбиқ этиш, муҳим лойиҳаларни жадаллаштириш мақсадида икки давлат ҳукуматлари ўртасида мунтазам равишда мулоқотлар олиб борилиши

ва учрашувлар ўтказилиши юзасидан келишиб олинди.

Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистонда Туркия фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз режими жорий этиш бўйича қарор қабул қилинганини юксак баҳолаб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти мазкур қарор олий даражадаги учрашувлар доирасида эришилган қелишувларнинг амалий натижаси эканини алоҳида қайд этди. Бундай қарор қабул қилиниши савдо-иқтисодий, инвестиция ва туризм соҳаларида янги имкониятлар яратишга хизмат қилиши ва, энг асосийси, қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, Туркия фуқароларининг Ўзбекистонга келишлари учун кенг йўл очиб берилиши таъкидланди.

Мулоқотда халқаро ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗА

Касаба уюшмалари ҳудудларда



«Маҳам-Чирчиқ» АЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан «Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда психолог, олий тонфали тиббий ходими Гўзал Алметова маъруза қилиб, оила мустаҳкамлигида эр-хотиннинг ёш масаласи, улардаги ҳаёт тажрибаси, саломатлиги ҳамда руҳий етуқлик даражаси муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Шавкат ТОИРОВ,

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Ёшлар масалалари бўйича раис масъул хизматкери

Сирдарё вилояти ички ишлар ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасини ташкил этиш бўйича конференция бўлиб ўтди. Унда қўмита таркиби, аъзолари ва раисини сайлаш ҳамда ташкилотни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши таркибига киритиш масалалари муҳокама қилиниб тасдиқланди.

– Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси этиб Зоҳид Рамзуллаев сайланди, – дейди тармоқ касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Ғулом Жумабеков. – Кенгашимиз таркибига бутун қарийб 3000 нафар янги аъзо қабул қилинди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Мехнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига оид халқаро стандартлар» мавзусида барча ҳудудларда фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ўқув-семинарлар ўтказилди.

Уларда 3000 дан ортиқ фермер хўжалиги раҳбарлари, иш юритувчи, механизатор ва сувчилар ҳамда ҳудудий фермер хўжаликлари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этишди.

Семинарлар якуни Тошкент вилоятининг Бўқа ва Навоий вилоятининг Кармана туманларида ўтказилди.

Х.УМАРОВ,

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими mudiri

«Дехқонobod калийли ўғитлар заводи» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси ва Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ташаббуси билан заводнинг илгор ишчилари ҳамда ёшларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Зиёратчилар у ерда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, буюк давлат арбоби Ислам Қаримов туғилиб, вояга етган уйи ҳамда унинг хотирасига бунёд этилган макбарани зиёрат қилишди. Шунингдек, Регистон, Шоҳи-Зинда тарихий ёдгорлик мажмуалари, Гўри Амир макбараси, Мирзо Улугбек расадхонаси ҳамда бошқа қатор обидлар билан танишишди.

Ходимлар саёҳатдан бир оила таассурот билан қайтди.

Норсаид КЎЧКИНОВ,

«Дехқонobod калийли ўғитлар заводи» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Самарқанд вилоят мудофаа ишлари йигини пунктида харбий хизматга қақирув муносабати билан бўлажак аскарларнинг ота-оналари ва ёшлар иштирокида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

– Вилотимиздан ватан олдидаги шарафли бурчини адо этишга отланган ёшларга касаба уюшмалари томонидан шахсий гигиена воситалари топширилмоқда, – дейди вилот касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича масъул хизматкери Акбар Абдураҳимов.

Шу кунгача ўз қисмларига жўнаб кетган беш юздан ортиқ ёшларга гигиена воситалари топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 феврал куни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган.

Ўтган йиллар мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Бирок, шу пайтгача хотин-қизлар манфаатларини рўйбега чиқариш бўйича самарали механизм яратилмаган.

Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари йиллар мобайнида фақатгина турли тадбир ва йиғилишлар ўтказиш билан чекланиб, ижтимоий вазияти оғир оилалар, аёллар ва ёш қизларга чинакам ёрдам бериш бўйича самарали фаолият олиб бормаган. Бунинг оқибатида жойларда қўллаб-қувватлаш тўлиқлиги қолган, уларнинг ечими бўйича аниқ манзилли ишлар амалга оширилмаган.

Ўтган йил жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилиб, хотин-қизлар ҳаётидаги муаммолар ўрганилди. 2017 йил жами 5 миллиондан ортиқ хонадонга кириб борилиб, оилалар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, 22 минг оила ажрашиб кетишнинг олди олинди, 36 минг хотин-қиз ишга жойлаштирилди, 14,5 минг юртдошимизга имтиёзли кредит олишда ёрдам берилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бу оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган муҳим ишларнинг бир қисми, ҳолос. Ҳали бу борада амалга ошириш зарур бўлган қатор долзарб вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан та-

қимиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шу мақсадда қабул қилинди.

Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммаимизнинг вазифамизга айланishi керак, деди давлатимиз раҳбари. Оилага эътибор аслида бу ўзлгимизга эътибордир.

Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари фаолияти қониқарсиз экани, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, эрта никоҳлар, ажрашишлар ва аёллар жиноятчилигининг олдини олишга етарлича эътибор берилмагани таъкидланди.

Охириги йилларда ажрашишлар сони ҳар йили 10-11 фоизга ошиб боргани ташвишланарлидир. 2017 йилда 31 мингдан зиёд ажралиш ҳолати қайд этилган. Бунинг оқибатида, асосан, аёллар ва болалар жабр кўрмоқда. Аёллар ўртасида жиноятга қўл уриш ҳоллари кўп учрамоқда.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонида шу каби муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари тузилмаси тубдан тақомиллаштирилди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларнинг мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этилиб, аниқ вазифалари, мақоми белгилаб берилди.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органи фаолиятини мувофиқлаштириш

туман ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилди. Бу билан жойлардаги хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари ҳамда Республика қўмитасининг имконияти ва таъсири кучайтирилди.

Оналар ва гўдақлар ўлими қайд этилаётгани, ногирон болалар туғилаётгани – хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича ишлар мураккаб кўрсаткич эканини кўрсатмоқда. Ҳар йили 95 фоиз ҳомиладор аёллар перинатал скрининг текширувидан ўтказилса-да, натижаси амалда сезилмапти. Шу боис оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктларида «аёллар маслаҳатхоналари» ташкил этилиши белгиланди.

Республика комиссияси ва 7 та илгори гуруҳ ташкил этилиб, бу борадаги ишлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Бош вазир зиммасига юклатилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳаётини муҳим манфаатларини таъминлаш, турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Тошйирикларга мувофиқ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг барча бўғинларидаги раҳбарлар фаолияти танқидий ўрганилиб, вазифасига олоийқ кадрлар ўзгартирилади.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ва ногирон хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, улар билан яқка тартибда ишлаш тизими жорий этилади.

«Оила» маркази ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилади. Судлар томонидан қарор қабул қилинаёт-

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИИЧКИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

41 Ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича ахборот-тарғибот тадбирларининг мунтазам ўтказилишини таъминласин;

туристлар оқимининг мавсумийлиги ҳамда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси тўлиқ жалб этилишини инобатга олиб, шу жумладан туризм фаолияти субъектларини жалб этган ҳолда Амалий чора-тадбирлар режасининг самарали амалга оширилиши учун зарур чоралар кўрсин;

б) Республика Мазнавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда «Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида, шу жумладан республиканинг барча шаҳарларида «Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» шiori остида ташқи реклама воситаларини (шит-баннерлар ҳамда ташқи экранлар учун роликлар) тайёрлаш ва ўрнатилиш йўли билан ички туризмни кенг тарғиб қилиш тадбирларини ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан жойлаштирилган ташқи реклама ижтимоий рекламага тенглаштирилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 2018-2020 йилларда республиканинг ҳар бир ҳудудда камидан 100 та жой ҳисобга олиниб марказий кўчалар, аҳоли гавжум жойлар ҳамда трассаларда жойлашган шитлар, экранларда ички туризмга оид ташқи реклама бегараз ўрнатилишини таъминласин.

5. Белгиланган бўлисинки, Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туристик-экскурсия турлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар:

таълим муассасалари ўқувчилари учун — ўз маблағлари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан;

ташқилотлар ходимлари учун — ўз маблағлари, иш берувчи маблағлари (бюджет ташқилотлари учун — ташқилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари) ва жамоавий шартномаларга мувофиқ бошқа маблағлар ҳисобидан;

етим болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлиги бўлган шахслар учун уларнинг умумий сонидан камидан 20 фоизи камраб олиниши таъминланган ҳолда — хайрия маблағлари, шунингдек, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети кўрсаткичларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан;

пенсиялар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун — ўз маблағлари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағмарасининг маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан;

фаол хотин-қизлар учун — ўз маблағлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маблағлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан;

маҳалла фаоллари ва ёш оилалар учун — ўз маблағлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тенглик асосида қопланади.

Мазкур Дастурда иштирок этиш ихтиёрий эканлиги белгиланган бўлиб, қўйилсин.

6. Давлат органлари ва бошқа ташқилотлар раҳбарларига:

жамоавий шартномаларга рағбатлантириш чораси сифатида давлат органлари ва бошқа ташқилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ўз ходимларининг камидан 10 фоизини оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборилиши назарда тутилган ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини ташқил қилиш нормасини киритиш; ходимларга меҳнат қонунийлигида мувофиқ

улар учун қулай бўлган вақтда саёхат қилиш ва дам олиш учун таъминнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш куллари (отгул) бериш;

Дастур тадбирларини амалга ошириш доирасида ҳар йили 30 декабрдан давлат органлари ва бошқа ташқилотлар ходимлари учун туристик-саёхат турларини ташқил қилиш жадвалларини тасдиқлаш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси давлат органлари ва бошқа ташқилотларга гуруҳли саёхатларни ташқил қилиш учун маҳаллий туроператорлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, меҳмонхона ва транспорт ташқилотларига ташқил этилган турлар, шу жумладан яшаш ва келиб-кейтиш (учиб бориш) учун имтиёзлар тақдим этиш бўйича тақлифлар юборишда ёрдам кўрсатсин.

8. 2018 йил 10 февралдан бошлаб 3 йил муддатга қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга қўра: иш берувчининг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туристик йўлланмаларни сотиб олиш харажатлари ходимнинг даромади сифатида қўриб чиқилмайдиган ҳолда юридик шахслар олинган фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда чегириб қолиниши лозим;

жиомий шахсларнинг солиққа тортилмайдиган даромадлари Ўзбекистон Республикаси бўйлаб туристик йўлланмаларни туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан сотиб олишга йўналтирилган харажатлар суммасига қамайтирилади. Бунда туристик йўлланма (айирбошладиган ваучер), авиа ва темир йўл чипталари, автотранспорт ташқилотларининг ҳисоб-фактуралари (чипталари) ва жойлаштириш воситалари чеқлари тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади;

туризм соҳасида фаолият кўрсатилган субъектларнинг солиқ солинадиган базаси Ўзбекистон туризм бренди ва «Uzbekistan.travel» сайти рекламаси бўлган босма махсулотларни (хариталар, рисоалар, буклетлар, файберлар ва бошқалар), сувенир ва қадқлаш махсулотларини (сумкалар, пакетлар, мактаб дафтларлари, ёрликлар, ғилофлар, кийим-кечаклардаги ва ошона анжомларидаги ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтирилган харажатлар суммасига қамайтирилади.

9. Тижорат банкларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сайёҳлик турларини сотиб олиш учун 10 миллион сўмгача истеъмол кредитларини ажратиш ва кредитни иш хақи ҳисобидан қоплаш имкониятини бериш тавсия этилсин.

10. Белгиланганки: туризм объектлари (меъморий ёдгорликлар ва бошқалар) ҳамда инфратузилмаси (меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ва бошқалар) жойлашган жойларнинг белги-ишоралари ва кўрсаткичларини ўз ичига олган тематик туристик хариталар адабини қўлайтириш ва уларни тарқатишга картография ишларини амалга ошириш учун лицензия (руҳсатнома) олиниши талаб этилмайди;

туристларга хизмат кўрсатувчи ташқилотлар (давлат музейлари, галереялар, маданий мерос объектлари ва қўриқланадиган табiiй ҳудудлар маъмуриятлари ва бошқалар) ўз фаолиятдан тушадиган тушумларнинг камидан 5 фоизини ўз фаолияти ҳамда тақдим этаётган туризм хизматлари баён этилган реклама-тарқатиш материалларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш ва адабини қўлайтириш учун мажбурий тартибда йўналтирилади. Бунда ушбу мақсадларга йўналтирилган харажатлар суммаси бу ташқилотларнинг солиққа тортилмайдиган базасидан чиқариб ташланади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда ту-

ризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга туман ва шаҳарларда жойлашган ҳамда асосан муҳандислик коммуникациялар билан таъминланган фойдаланилмаётган ер участкаларини 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича уч ой муддатда хатловдан ўтказсин ҳамда кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳулосасига асосан ҳар бир ҳудудда умумий майдони камидан 20 гектар бўлган 20 та ер участкаси ҳисобидан келиб чиқиб, туризм соҳасидаги лойиҳаларни (меҳмонхоналар, меҳмонхона уйлари, кемпинглар, мотеллар ва бошқа жойлаштириш воситалари, тематик хибонлар, музейлар, галереялар ва бошқа иншоотлар қуриш) амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ҳамда потенциал инвесторларга тақдим этиш учун ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан танлаб олинган фойдаланилмаётган ер участкаларида 2018-2022 йилларда туризм инфратузилмасини ташқил этиш доирасидаги харажатлар: янги лойиҳалар (макетлар)нинг дизайн-эскизларини ишлаб чиқиш учун — бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жағмарасининг маблағлари;

муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштиришга рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун — тегишли туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплашни белгиллаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда туристик йўлланма, меҳмонхона хизматларини сертификатлаш ҳамда жойлаштириш воситаларининг жавобарлик коидаларини сақлаб қолган ҳолда, ташриф буюрувчиларни рўйхатга олиш бўйича махсус электрон автоматлаштирилган дастурда жойлаштириш воситалари орқали ҳусусий уйлари (хонадонларга) меҳмонларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш тартибин жорий этсин;

туризм тоифасига оид меҳмонхоналар ва меҳмонхона уйлари вақтинчалик лойиҳаларини, шу жумладан хорижий лойиҳа ташқилотларидан бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жағмараси маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ва кейинчалик ушбу лойиҳаларни туризм инфратузилмаси объектларини қуриш ташаббусини кўрсатган тадбиркорлик субъектларига бегараз тақдим этсин. Бунда намунавий лойиҳаларни муайян ҳудудга бириктириш Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлиmlари томонидан бегараз асосда таъминланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм иянада ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида ҳудудларда кичик туризм зоналарини ташқил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Белгиланганки, кичик саноат зоналари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари коидалари кичик туризм зоналарига ҳам таъбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июлига қадар тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратишнинг соддалаштирилган механизмининг жорий этган ҳолда ҳудудларда кичик туризм зоналарини яратиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда қуйидаги суммалар учун солиқ солинадиган базани қамайтириш тартибини бир ой муддатда тасдиқласин:

100 миллион сўмгача — ҳўжалик юртувчи субъектларнинг 2020 йилнинг 1 январига қадар санитария коидалари, меъёрлари ва гигиена нор-

мативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиена тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ва қуришга йўналтирилган харажатлари;

12 миллион сўмгача — ҳар йили 2025 йилнинг 1 январига қадар ҳўжалик юртувчи субъектларнинг санитария коидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини (фаррошлар иш хақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш), туризм инфратузилмаси объектларини (тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфратузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган ҳудудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларни) сақлашга йўналтирилган харажатлари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳулосасига асосан замонавий санитария-гигиена тармоқларини яратиш лойиҳаларини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларга шаҳарлар ва туманларнинг тегишли қисмларида реклама ва иҳчам савдо нукталари учун жойлар тақдим этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Амалий чора-тадбирлар режаси бажарилиши устидан доимий мониторингинг;

мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сон қарори билан ташқил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши режалаштирилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли қарорларни қабул қилиш учун ҳар чоракда тақлифлар киритилишини таъминласин.

17. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Арипов):

ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан доимий ва тизимли назорат ташқил этилишини;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташқилотларга — маъсул ижрочилар раҳбарларининг Амалий чора-тадбирлар режасини сўзсиз амалга ошириш борасида улар томонидан қўрилаётган амалий чоралар ҳақидаги ҳисоботлари ҳар чоракда эшитиб борилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида «Эски шаҳар» туризм зонасини барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3260-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмурадов ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 7 феврал

Эътибор

Гулнора опа ўзоқ йиллардан бери кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида — қиридан иккинчисига ўтувчи икки хонали уйда яшаб келадиган. Тўрт фарзанднинг онаси. 2011 йили турмуш ўртоғи вафот этгач, анча қийналиб қолди. Иш ҳақи билан рўзғор кетганини ёпишининг ўзимса ахир. Иситгичлар яроқсиз ҳолатга келиб, хонадони иссиқлик тармоғидан ажратилгач, қиш ойларида яшаш янаям оғир кечади. Бу орада деразалар ойнаси синиб, уни тузаттиришга маблағ орттирмади, қиш эса ўз ҳукмини ўтказишда давом этди. Хоналар орасидаги эшик ҳам зах тўфайли чириб битди. Эшик вазифасини икки метр мато бўжара бошлади. Натижада ёшгина ўғли умуртқа чуррасини орттириб олди.

«Бизникига
меҳмонга
келинг!»

Ўтган йили феврал ойида уйма-уй юриб, хонадонлардаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий аҳвол билан танишини жараёнда қасаба уюшма вакиллари Гулнора опанинг муаммолари билан юзма-юз келишди.

— Очиги, ўшанда ҳеч нарсдан умид қилмаганим. Ҳеч бўлмаганда юрагимни бўшатаман-ку, деб дардимни айтганим, ҳолос, — дейди Гулнора опа. — Орадан кўп ўтмай, Президентимиз биз каби кам таъминланган, ижтимоий ҳимоят муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилганини эшитдим. Бироқ, шунда ҳам беришса, арзимас чойқақадан ортмас керак, деб ўйлагандим. Аммо қасаба уюшма вакиллари келиб, Президентимиз қарорини асосида уйимиз таъмирлаб берилишини, бунинг учун 10 миллион сўм маблағ ажратилганини айтганида, кўзларимга ёш келди.

Барака топилсин, «Foreign experience» масъулиятли қесланган жамияти вакиллари уйдаги аҳволин кўриб: «Хонадон умуман яшаш учун талабга жавоб бермайди», деган ҳулосага келиб, таъмирлаш ишларини бошлаб юборишди. Қарабсизки, қисқа муддатда уйимиз бутунлай янги кифога эга бўлди.

— Бизга бунчалик эътибор қаратилишини қутмаганим. Энди болаларим билан барча қулайликларга эга шароитда яшайдиган бўлдим. Илгари уйимизга меҳмон келишини сира истамасдим, негаки, аҳвол ўзингизга аён. Энди кимни кўрсам: «Бизникига меҳмонга келинг», деб қақиряпман, — дейди Гулнора опа. — Бунинг учун биз каби оддий одамларга меҳр кўрсатаётган Президентимизга раҳматлар айтаман. Қасаба уюшма вакиллари ўғлимга иш ҳам топиб беришяпти. Демак, яшаш шароитимиз янада яхшиланади.

— Турмуш ўртоғим 2015 йилда вафот этган. Икки фарзандим ногирон, — дейди урганчилик Сайёра Антова. — Топганим уч фарзандимдан ортмасди. Уйимиз ёмон аҳволга келиб қолганди. Президентимизнинг эътибори туфайли қисқа фурсатда яшаш шароитимиз яхшиланди.

— Давлатимиз раҳбарининг қарори ижросини таъминлашга барча бирдек бел боғлаганидан хурсанд бўлдим. Тадбиркорларимизнинг ҳеч бири бажарган иши учун ҳақ сўрамади. 10 миллион сўм тўлигича қурилиш материаллари харид қилишга сарфланди. Натижада, таъмирлаш ишлари қутганимиздан-да зиёда бажарилди, — дейди Урганч шаҳар қасаба уюшма ташқилотлари мувофиқлаштириш кенгаши раиси Фозилбек Болтаев.

Умумий ҳисобда вилоят бўйича 120 та хонадонда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу юмушлар учун жами 1 миллиард 200 миллион сўм ажратилди.

Мухаббат Тўрабоева,
«Ishonch» муҳбири

Очиқ мулоқот

Ёшлар ҳузурида

Хабарингиз бор, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг 2018 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан келишилган ҳолда тасдиқланган бўлиб, жойларда мазкур дастур ижросини таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли силжишлар қўзғатилмоқда.

Қашқадарё вилоят қасаба уюшма ташқилотлари бирлашмаси томонидан Қарши давлат университетига ўтказилган очиқ мулоқотда ҳам ушбу долзарб масалалар ҳақида атрафлича сўз борди.

Тадбирда бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов маънавиятимизда ёшларга кенг имконият эшикларини очилгани, янгидан-янг илмти-

ёшлар яратилаётганини таъкидлади.

Қайд этилдики, бирлашма томонидан ўтган йилда вилоятдаги юридик шахс мактабига эга бўлган 16352 дан зиёд корхона ва ташқилотнинг жамоа шартномаларига ёшлар учун қўшимча имтиёз ва қафолатлар киритилди. Қўллаб-қувватлаш ва қўриқловчи факультетларга дарсик ва ўқув қуроллари харид

қилинди. Минглаб эҳтиёжманд ёш оила вакиллари моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юрларида тахсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларга ўқув шартнома пулларининг қисман тўлови амалга оширилди. Бундан ташқари, уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, ўзоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 99 та ёш оилага фойсиз ссудалар ажратилди.

Мулоқот чоғида университет ёшлар иттифоқи етакчиси Элдор Баротов олий ўқув юрларида яратилган шароитлар, ёшларга оид Давлат дастури ижросига оид режа ва вазифаларга тўхтади.

— Университет ходимлари ва талабалари қасаба уюшма қўмитаси аъзосиман, — деди хорижий тиллар факультетининг инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаси Шохжаҳон Хайруллаев. — Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш замирида биз, ёшларга жуда кўплаб имтиёз ва имкониятлар белгиланган. «Қасаба уюшмалари стипендииси» ва «Қасаба

уюшмалари таълим гранти» лойиҳалари ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Тадбирда университет табиий фанлар факультетининг биология йўналиши 2-босқич талабаси Дилшода Розиковага энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорда олти ой муддатга қасаба уюшмалари стипендиеси тайинланиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси сертификати топширилди.

— Муассасамизда иш берувчи, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи каби ҳамкорлар билан биргаликда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд талабаларни рағбатлантириб бориш изчил йўлга қўйилган, — дейди университет ходимлари ва талабалари қасаба уюшма қўмитаси раиси Тўйчи Валиев. — Ўйлаймизки, бунга жавобан ёшларимиз юксак салоҳияти, изланиши, янги ғоя ва ташаббуслари билан юртимиз тарқиқетига муносиб ҳисса қўшишади.

Акmal Абдиқиев,
«Ishonch» муҳбири

Қонун барчага баробар

ЎЙИН

ёки қонунбузилиш бартараф этилмаётгани хусусида



Раббим Тожиқуловнинг сарсон-саргардонликлари унинг Тошкент вилоят суд тиббий экспертиза бюроси раҳбари Муҳаммадали Ҳайдаровга 2009 йил 8 октябрда қалбаки меҳнатга лаёқатсизлик варақасини берганларга нисбатан қонуний чора кўриш ва қоидабузарлик оқибатларини бартараф этишни сўраб, Чирчиқ шаҳар прокуратурасига маълумот киритганидан сўнг бошланди. Р.Тожиқуловнинг шундан буён бормаган идораси, учрамаган мансабдор шахси, иши кўрилмаган суд инстанцияси қолмади. Воқеа эса шундай бўлганди...

Р.Тожиқулов 1998 йилдан бошлаб Қибрай туман суд тиббий экспертиза бўлимида экспертизавозимиде ишлаб келган. 2009 йил 6 октябрда иш берувчи М. Ҳайдаров тазйиқи ва алдовиде остида ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзди. Ариза дарров қаноатлангирди. Аммо жараёнда меҳнат қонунчилиги талаблари жиддий равишда бузилишига йўл қўйилди. Жумладан, бу ҳолат Чирчиқ шаҳар прокуратурасининг 2011 йил 24 декабрдаги қонунбузилиш сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Т.Аҳмедовга киритган тақдимномасида ўз тасдиғини топган. Тақдимномада меҳнат қонунчилиги зид чикарилган буйруқлар бекор қилиниши талаб этилган. Мисол учун, юритилган жиноят иши бўйича Чирчиқ шаҳар бандликка қўмаклашиш маркази ходими Д.Обидова мутахассис сифатида жалб этилиб, қуйидаги гаёриқонуний ҳолатлар аниқланган: биринчидан, бюро бўлим мудири Т.Ғуломов Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг вилоят суд тиббий экспертиза бюроси бошлиғи вазифасини вақтинча бажариш тўғрисидаги буйруғидеги ваколат муддати тугаганлиғига қарамадан ўз-ўзига лавозим муддатини чўзиш хақида 2009 йил 2 октябрда 112-сонли буйруқ чикарган, иккинчидан, ваколати тугаганлиғига қарамадан Қибрай туман суд тиббий эксперти Р.Тожиқуловнинг ўз хоҳишига

кўра ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси асосида 2009 йил 6 октябрда чикарилган 113-сонли буйруқни имзолаган. Тақдимномада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан суд тиббий экспертиза бюросининг гаёриқонуний чикарилган ҳар иккала буйруқларини бекор қилиш ва меҳнат қонунчилиғига мослаштириб қайта қонуний буйруқлар қабул қилиниши сўралган. Хўш, Чирчиқ шаҳар прокуратурасининг меҳнат қонунчилиғига мослаштириб қонуний буйруқ қабул қилиш тўғрисидаги тақдимномаси талаблари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси суд тиббий экспертиза бюроси раҳбарияти томонидан қонуний икром этилди. Бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш қийин. Чунки бюро бошлиғи Муҳаммадали Ҳайдаров томонидан 2012 йилнинг 4 январиде чикарилган 1/«И» сонли буйруқда: «Бюро бошлиғи вазифасини бажарувчи Т.Ғуломов томонидан расмийлаштирилган «Тошкент вилояти суд тиббий экспертиза бюроси бошлиғи М.А.Ҳайдаровнинг бетоблиғи тўғрисидаги 112-сонли буйруқ бекор қилинсин, 2009 йил 6 октябрдаги 113-сонли Р.А.Тожиқуловнинг ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, Тошкент вилояти суд тиббий экспертиза бюроси Қибрай тумани суд тиббий экспертиза бўлимида суд тиббий экспертизанинг ўз аризасига кўра Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан 2009 йил 6 октябрдан меҳнат шартно-

маси бекор қилинди деб ҳисоблансин», дейилди. Тақдимномада эса Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ ариза ёзилган кундан икки хафта ичиде кўриб чикарилиб, тегишли буйруқ фақатгина бошлиқ томонидан чикарилиши, ўз хоҳишига кўра ёзилган аризалар қайта кўрилмаслиғи аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Тошкент вилояти меҳнат бош бошқармаси давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Ж.Бойхўжаев суд тиббий экспертиза бюроси мазкур буйруқни бекор қилиш ва қонунга мослаштиришда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддаси талабларига риоя этмаган деб ҳисоблайди. Чунки, буйруқни қонунлаштириш учун ушбу моддада белгиланган икки хафталик муддат тугаган, бундай ҳолат эса иш берувчи қонуннинг муддати тугаган аризаси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга хақли эмас, ариза ўз кучини йўқотганлиғи боис қонундан тақририй ариза олинмиши лозим эди. Гарчи, прокуратура меҳнат қонунчилиғи бузилганини икки йил-уч ойдан сўнг қайд этиб, Р.Тожиқуловнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилган бўлса-да, на тегишли мутасаддилар, на суд томонидан ҳақиқат тикланмади.

пертиза бюроси суҳбатта чақириб, ундан қайта ариза олиб ўтирмади. Меҳнат қонунларига зид равишда чикарилган юқоридеги буйруқ билан чекланмиши. 2012 йилда унинг прокуратура тақдимномаси асосида ФИБ Чирчиқ туманлароо судига берган аризаси муддати ўтган баҳонаси билан кўрмасдан қолдирилди. Қизил-а, прокуратура қону бузилишини қайд этган бир пайтда суд даъвоини рад этган. «Суд Ўзбекистон Республикаси ФПК 15-моддаси талабларига зид равишда тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг хақикий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини хар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун асосланган ҳолда чоралар кўрмаган, – дейилди Чирчиқ шаҳар прокуратурининг фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация инстанциясига юборган ҳусусий протестида. – Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 100-моддаси 2-бандига кўра айни бир тарафлар ўртасида, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича чиккан низо юзасидан суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса, суд иш юритишни тугатади. Бирок бугунги кунда даъвогар Қибрай туман бандликка қўмаклашиш маркази фуқаро Р.Тожиқуловнинг манфаатида даъво аризаси киритилганлиғи, даъвогар ўзгарганлиғи ва низо мазмунан кўрилиб, қарор қабул қилиниши суднинг эътиборидан четда қолган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 312-моддаси 1-қисмининг 1-4-бандига кўра, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиғи, суднинг ҳал қилув қарориде баён қилинган ҳулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиғи, моддий ҳуқуқ нормаларини ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиғи ёки нотўғри қўлланганлиғи суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибиде бекор қилишга асос бўлади. Р.Тожиқулов тушмагур етти йилдан бери шикоят ёзилган, тегишли идоралар эса даъво муддати ўтган дейишдан эринмайпти. Аслида хақикатни тиклашнинг муддати бўлмайди-ку. Шундай эмасми?!»

Гарчи, прокуратура меҳнат қонунчилиғи бузилганини икки йил-уч ойдан сўнг қайд этиб, Р.Тожиқуловнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилган бўлса-да, на тегишли мутасаддилар, на суд томонидан ҳақиқат тикланмади.

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishoncha» муҳбири

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» MChJ мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

2018 йил 13 март кунини соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга «O'ZBEKTELEKOM» АК Бухоро филиалининг 30.01.2018 йилдаги 50-01-21/274-сонли бююртмасига асосан филиал ҳисобидеги 1-ЛОТ, бошланғич баҳоси 14 108 000 (ўн тўрт миллион бир юз саккиз миң) сўм бўлган, Бухоро тумани Истикбол к.ф.й., Талигандум қишлоғи манзилида жойлашган, умумий ер майдони 57,9 кв.метр, қурилиш майдони 57,9 кв.метрдан иборат бўлган СТС «Дўстлик» биносини, 2-ЛОТ, бошланғич баҳоси 27 584 000 (ийгирма етти миллион беш юз саксон миң) сўм бўлган, Ғиждуовон тумани Қарахони к.ф.й., Қарахони қишлоғи манзилида жойлашган, умумий ер майдони 156,0 кв.метр, қурилиш майдони 148,2 кв.метрдан иборат бўлган СТС «Халқобод» биносини алоҳида лот тартибиде кўйилмоқда.

Аукцион савдосида иштирок этиш истағидеги талабдорлар диққатига.

13.03.2018 йилда аукцион савдоси бўлиб ўтмаган лот бўйича 27.03.2018 ва 30.03.2018 йилда аукцион савдоси тақриран ўтказилди.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бююртманоме «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш қунари 13.03.2018 йилдаги савдо учун 12.03.2018 йилга қадар, 27.03.2018 йилдаги савдо учун 26.03.2018 йилга қадар, 30.03.2018 йилдаги савдо учун 29.03.2018 йилга қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истағиде бўлган талабдорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосидан 15 фоиз миқдорда зақалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиғи тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 20 кунлик муддат ичиде олди-сотди шартномасини тузини мажбуриятни юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларини тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Зақалат тўлови учун реквизитлар: «KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» MChJ, х/р: 20208000700759233002, АТБ Қишлоқ қурилиш банк БМФ, МФО: 00115, СТИР: 304815549.

Буюрномаларини қабул қилиш ёки объект билан танишини ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси – «KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» MChJ.

Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. 4-қават, 405-хона. Лицензия RR 0297.

Интернетдаги манзилимиз: kmfi_auksion@mail.ru.

Тел: (0-365) 221-59-24.

Хизматлар лицензияланган.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғи, «Н.Обидов» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган «QAMAR BIZNES» МЧЖ дан туман захира ерлари ҳисобига олинган қишлоқ ҳўжалик харитасининг 99 ва 135к-контурларида жойлашган жами 5,74 га, шундан 4,0 га ер майдонида жойлашган «Бозор» ва 1,67 га ер майдонида жойлашган «Узумзор», бошланғич баҳоси — 13 254 800 сўм.

2. Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Юнусобод ҳудуди, «Ғуломмахмуд барақа» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган «SLEKTA AGRO FAYZ» МЧЖ балансидаги жами 17,23 га ер майдони, шундан 16,25 га боғзорнинг бир қисми, яъни 3,12 га ер майдонида жойлашган 2000 тул олма дарахтларидан иборат «Бозор», бошланғич баҳоси — 14 498 945 сўм.

Очик аукцион савдолари 2018 йил 12 март кунини соат 15:00 да Тошкент туман ҳокимлиғи биносиде бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилимай қолган тақдирда тақририй аукцион савдоси 2018 йилнинг 6 март, 28 март, 12 апрел кунларини соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истағини билдирган шахслар «Зақалат пули тўғрисидаги келишув» ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Инак йўл» АИТБ Тошкент шаҳар Мировобд филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги ҳужжатларини топшириши керак:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вақил иштирок этганида ишончнома.

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вақил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиккан кундан бошлаб расмий иш қунари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Мировобд тумани, Авлиё ота кўчаси 13-уй, 2-қаватда қабул қилинади ва савдолар бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади ва тақририй савдолар учун савдолар бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларини realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олшингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – №0008.

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши жамоаси Кенгаш бош юриконсулти Аслидин Ҳасанбоевга онаси ОЙШАХОН аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Ана ҳолос!

Самарқанд шаҳридаги 11-мактабнинг собиқ тарих ўқитувчиси Жасур Муҳаммадиевга тегишли 100 миң сўм маошнинг ундирилиши арзимас воқеадек кўринса-да, бу ишнинг осонликча қўмагани қайратланарли...

Кам бўлса-да, бировнинг ҳаққи

Ўша пайтлар Самарқанд шаҳридаги 11-умумтаълим мактабиде тарих фани ўқитувчиси ўрни бўш эди. 2016 йил 5 сентябрда мактаб директори Ф.Ғафоров СамДУда иккинчи мутахассислик бўйича таҳсил олаётган Ж.Муҳаммадиевни шу ўринга ишга қабул қилди. Аммо кейинги йилнинг март ойида ўқитиш ва иш вақти бир-бирига мос келмаётгани сабабли иш берувчи уни ўқитувчиликдан четлаштирди. Талаба Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий бекор юрган даври учун иш ҳақларини ундириб беришни сўраб мурожаат қилди. Эътиборлиси, аввал унинг шу мазмундаги шикоят аризаларини вилоят Адлия бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Самарқанд шаҳар прокуратураси ҳам кўриб чиккан эди. Барча текширувларда иш берувчи томонидан ходимини ишга қабул қилиш ва бўшатиш жараёнида Меҳнат кодексининг 82, 100, 101, 102, 107, 108-моддалари талаблари бузилган деб топилган. Иш берувчига қоидабузарлик ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида тушунтиришлар берилган. Аммо...

ҳодим ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси ва меҳнат дафтрасини олиб кетиш тўғрисидаги хатни бошқа манзилга жўнатиб юборган, натижада Ж.Муҳаммадиев ишдан бўшаганидан хабарсиз қолиб кетган. Хуллас, бу ишни юқориде кўрсатилган идоралар ҳал эта олмагач, масала судда кўриб чикалиди. Меҳнат қонунларини бузган мактаб раҳбари тегишли тарзда маъмурий ҳамда интизомий жазога тортилди. Ҳисоб-китобларга кўра, аризага декабр ойи учун тўланмасдан қолган 100 миң сўм ундирилди. Бир қулгин, бир йилга келди. Ж.Муҳаммадиев бу «оғзини ундириш учун нечта «оғзини йўлқира, оқлатганиш, қоғоз-қалам ва ҳоказоларга сарфлаб юборди экан? Унинг қанча вақти турли идоралар элиғи олдида сарғайиб ўтди? Аммо у хақ эди. Ўз ҳақини талаб қилаётганди. Мактаб раҳбарияти-чи? Югур-югурлар, текширувчиларни қутиб олишу кузатиш, уларга тушунтиришлар бериш учун қанча асаб толалари тўкилди экан? Давлат идораларида ишлаётган ходимларнинг бошқа муҳимроқ ишларга сарфланиши мумкин бўлган вақти-чи? Қизғин, буларнинг бари раҳбарнинг қонунларни яхши билмаслиғи ёки билса ҳам қайсарлик қилиши оқибатида юзага келди. Ўйлаб қолсан киши, мактабдаги машаа таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказмаганлиғига қим қоллат беради?

Улуғбек ҒАНИЕВ, Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Эзгу рағбат



Иброҳимга Президент совғаси — «SPARK» автомашинаси топширилди

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Ёш навоийхонлар» кўрик-танлови ўтказилди

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини

ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган танловда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари энг кўп га-



зал ёд олиш, ифодали ўқиш, унинг матни насрий баёни (ёзма шарҳи)ни ярата олиш каби шартлар бўйича билимини синовдан ўтказди. Танловнинг қуйи босқичларида 2 миң 500 дан зиёд ўқувчи қатнашди. Вилоят босқичида 6 нафар номзод ўзаро баҳслашди. Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактабнинг 8-синф ўқувчиси Иброҳим Ғафоров биринчи ўринни эгаллади ва унга Президент совғаси — «Spark» автомашинаси қалити топширилди. Иккинчи ўринни қўлга киритган икки нафар ва учинчи ўринни олган уч нафар билимли ёшларга эса ноутбук ҳамда компьютер жамланмалари берилди.

Н.РАҲИМОВ, ЎЗА муҳбири

Навоийнинг тафаккур оламларида дунё фалсафасининг барча донишмандлик ва оқилликлари баралла зухур-ланиб туради. Ҳа, Навоий ҳақида сўз кетганда куруқ тафаккур ёки куруқ ғоялар эмас, балки жаҳон фалсафаси тўғилган ва инсониятга қандай яшаш тўғрисида сўз айтаётганидан буён вужудга келтирган тафаккур олам-ларига боғлаб фикр юритиш ўринлидир. Навоий ин-соннинг инсониятга дахлдорлиги ва фалсафанинг энг бирламчи тушунчаси одабийлик тўғрисида ўзига, за-монасига, ўзидан илгари ўтганларга ва маданий тарих саҳифаларига кўнгили гавҳарини чироқ қилиб кириб ўз қарашлари, нуқтаи назарларини баён этади.



Кўнглум гулу сарв майли қилмас, нетайин?
Сарву гул ила даме очилмас, нетайин?
Ҳар шўх кўрунса, кўзга қилмас нетайин?
Бир шўхким, ул тилар-топилмас, нетайин?

НАВОИЙ — БИЗНИНГ ОГОҲЛИГИМИЗ

Неки мен дедим муҳаббатдин эди...

Навоий. «Лисонут-гайр»

Навоийнинг тафаккур оламларида унга тобе каламлардан тўқилган фикр одами ва ҳаётини фақат яхши-лашга қаратилган. Навоий катта маънодаги одабийликни куёш деб қараркан, бу куёшга солинган барча йўлларда ақл ва адолат қар-вонлари тиним билмай ҳаракат қилади.

Этибор берганимиз? Навоий ҳамма ҳолларда ва ўзининг барча ҳаётини мақо-матларида худди... Ҳа, худди Худо назар солиб тургандай эди. Сўз унга коинот-нинг қаъридан ёғилиб келаётганга ўх-шайди. Гуё унинг қаламини (ЛОГОС) ко-инот тирик мавжудотга айланиб тугтанди.

Ва Навоийни ўқитганда одам худди Хизр сувини ичатиётгандай бўлади. Ва худди абадий тирикликка мансублик ҳосил этил-гандай. Унинг Худо назарини холи мисраси йўқ. Хар сағри, хар байтига Худонинг на-зари тушиб туради. Буни илоҳийлик, ёлғиз диний ёки диндорлик тўғулар, ҳажжон-лари, эътиқодий излавишларнинг муттасил шиддати билангина тушутириш қийин. Бу илҳомнинг алоҳида туганмас ҳолати ва дара-жаси. Бу одабийликнинг туганмас илҳоми.

Одабийликнинг муҳаббатсиз тасавури қи-либ бўлмайди. Шунинг учун бу — муҳаб-батнинг алоҳида ҳолати. Бунда Мажнун, Фарҳод, Баҳром, Искандар ва Мансур Ҳал-лож каби сўфийларнинг бир-бирига ўхшама-ган, бир-бирига тенг бўлмаган муҳаббатла-рининг Навоий каби дунёда жамлангани ҳамда яхлит ўта сирли ҳодисага айланши-дир. Яна бу дунёнинг азал тартиботи белги-лаб, тутиб турган ЛОГОС — КАЛАМнинг Навоийга ато этилган алоҳида ҳолати. Ва бу қолаверса, ўша машҳур ЖОМ, ўша машҳур МАЙ ва уларда одамга кўз ва назар берил-гандан бери акс этаётган борлиқнинг ҳол-ларидан ўзгача завқ, ҳажжон, шавқларга тў-лишидир.

Навоийдаги одамини ҳаминша ҳайратга соладиган ШАВҚ, уни илҳом ҳолатида қамраб оладиган шавқ билан Шайх Ман-сур Ҳалложгадог доимий энк, шавқ ҳолати, эътиқодий зокирликлар ўртасида аллақан-дай яқинлик бор. Навоийдаги яратувчилик шавқнинг табиати Мансур Ҳаллождаги эршатирувчи шавқнинг табиати ўзаро го-ятда яқин. Навоийда худди Мансур Ҳал-лож ва Фариддин Атторда бўлгани каби ахлоқий ва эътиқодий майлар ҳосил қи-лувчи эҳтироснинг чеки, поёни йўқ.

Мансур Ҳаллож ва Аттор оркали шу олий ижодий шавқ Навоийга мерос бўлиб ўтган кўринади. Улар қаламини илоҳий деб билганли-клари, уни азалий интеллект — ақли ав-вал деб тасавури қилганликлари боис, ка-лам ҳузурдаги шавқ Оллоҳ ҳузурдаги доимий сўфиёна шавқ-завқлар билан ажб тарзда кўшилиб, уйғунлашиб кетади.

Оллоҳнинг назари, Оллоҳнинг бор-лиги инсонда доимийдир. Яъни одам бу илоҳий назар ва борлиқдан бир зум ҳам холи эмас. Оллоҳ ҳаминша инсонда кифоя қиларлик даражада мавжуд. Шунинг учун ориф инсоннинг Оллоҳга таваккалида ту-ганмас яхшилик ва маърифат зоҳир. Ориф-лик Худо ва Инсон боғланишини — би-лиш, ҳис қилиш, маърифат ва илм эса шу боғланишларни билиш, ўрганиш, умр бўйи излашлардир. Навоий одам учун шу боғланишларни оқиллик ва одилликка етакловчи энг зарур хол деб ҳисоблайди.

Навоийда одабийлик қарвонлардан бирини огоҳлик бошқариб боради. Огоҳ-лик ҳамма ҳолларда оқиллик ва одиллик билан ҳамкорлик қилади. Инсон коинот

маҳсули. Коинот фарзанди. Худо уни ўзи-дан нусха кўчириб яратган. Америка олим-лари яқинда ҳужайранинг нимадан тузил-ганлигини кашф этдилар. Бу ҳаёт деган нарсанинг нимадан бино бўлганлигини би-лиш билан баробардир. Улар текширишга муваффақ бўлган зарраларнинг неча мил-лионлардан бир улушида худди инсон су-рати кўриниб тургандай бўлди. Шу кўзга кўринмас зарра ичра одамнинг юраги уриб тургандай эди. Бу мўъжиза одамнинг коин-от билан қанчалар чамбарчас боғланган-лигини яна бир қарра исботлади. Катта олам — коинотда одам — кичик олам — кичик коинот каби яшайди, кичик олам каби вужудга келади ва катта оламда жой-лашади. Энг ажойиб томони шундаки, одам кичик олам сифатида катта оламнинг барча ҳосиятларини ўзида акс эттиради ва мужассам этади.

Одамнинг ўзини билиши, англаши — Худо ва у яратган бепоён борлиқни билиш ва англашда дастлабки босқич, даража-дир. Бу унинг орифлигига яна бир ишора-дир. Лекин билиш, орифликда — огоҳлик одабийликнинг энг зарур белгиси, коми-ликка интилишнинг ишончаси, тириклик шукронаси ва файзидир.

Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг эъж-олий ривоятларидан бирида бир қария сал-танат қурган улуг подшоҳ Хусайн Бойка-ронинг қозига олиб боргани ҳақида ҳикоя қилади. Бу қариянинг ёлғиз ўғли Хусайн Бойкаронинг йитилган чоғларига тож-тахт талашларида қатнашиб ҳалок бўлган экан.

Қария Хусайн Бойкарога сен туйғайли ме-нинг ўғлим ҳалок бўлди, деб даъво қилади. Қария Хусайн Бойкарога сен туйғайли ме-нинг ўғлим ҳалок бўлди, деб даъво қилади. Бойкаро қариянинг даъвосини тан олади ва у билан бирга ҳақиқатни аниқлаш учун қозига боради. Қозини тўрт гувоҳ келтири-санг, сеннинг даъвоининг қондирмама, дей-ди қарияга. Гувоҳлар топилди, қариянинг ўғли ҳақиқатан ҳам тож учун жанг-жадал-ларда қисмат майини ичганилиги исботла-нади. Шунда Хусайн Бойкаро бир томонга жуда катта пул — олтин-қумушлар қўяди ва яна ўз навабига қариянинг қўлига ўзининг ўткир қиличини тутқазади. «Ўғ-лингнинг хунини олмоқчи бўлсанг, мана, бошим. Агар унинг жони эвазига тоvon олишга рози бўлсанг, мана, истаганча дав-латим... У чоғларда, ўғлингнинг ҳалок бў-лишида менда ихтиёр йўқ эди...» — деб бо-шини қарияга тутиб беради. Буни кўрган-ларнинг тиллари тангайларига ёпишади. Қария ҳам ҳайратдан лол қолиб уввос солиб йинғайди. Қилчани ерга ташлайди. Подшоҳ оёғига узрлар айтиб йиқилади:

— Ўғлим сенга жон фидо қилган бўлса, менинг қари жоним ҳам сенга қур-бон бўлсин. Сени изтиробга солган бўл-сам, мени кечир. Мен хароб бўлган одам-ман, — дейди.

Бу ривоят — бўлган воқеа. Ва бунда адолат олдиди шоху фақир тенг бўлгани, тенг турганлигини кўрамиз. Бобур Ху-сайн Бойкаро бирининг қозига ноҳақ зо-мин бўлган ўғиллардан бирини адолат қўлига топширганлигини эъзади. Навоий бундай ҳолларни подшоҳнинг адолатини унинг олий маънодаги огоҳлиги билан изоҳлайди ва шу огоҳликда мамлакатнинг қудрати, мустақамлиги, раиятнинг тинч-лиги, фаровонлиги ва гуллаб яшашни рами-зини кўради.

Накшбандийликда хилват дар ватан де-ган тушунча бор. Накшбандийлик тушу-нчалари, истилоҳлари, қондалари борасида кейинги пайтларда бирмунча тадқиқот-

лар юзага кела бошлади. Хилват дар ватан накшбандий тарикатининг ўн битта асос қондасига кирди. У солиқдан ўз ички ва-танига доимий тарзда сەҳнат қилишни, ки-чик оламнинг барча қитъаларини кезиш, ёмон хулқлардан халос бўла бориб, яхши, гўзал хулқлар орттира боришни кўзда ту-тади. Навоий накшбандийнинг ўн бир го-ятда ўзига хос қондасининг хар бирининг мазмуни, маъноси тағдида огоҳлик ётганли-гини жуда теран тушунади. Йодқард, бо-нозга, нигоҳдошт, йоддошт, хуш дар дам, сафар дар ватан, назар ба қадам, хилват дар анжуман, вукуфи замон, вукуфи адад ва вукуфи қалб ҳолатларининг барининг асл маъноси огоҳлик — Худонинг ва унинг ҳақиқатида огоҳлик ва шу огоҳликни тар-биялаш, уни вужудинг доимий ҳолатига айлантириш. Кичик оламнинг накшбан-дийликдаги энг улуг маърифати ана шун-дан иборат.

Бўлмаса ҳақ эдидан огоҳлик Билки гадолликка эмас шохлик...

Навоий тирикликда огоҳликнинг маъ-носини ҳақ билан бирга бўлиш, унинг ёди билан яшашда кўради. Умрининг вафосиз-лиги, унинг учган юлдуздек тез ўтиши, худди туш каби кечили, кўриниш берган нарсалар саробдек йўқлик сари кўчишини хар ўрнида таъкиллаб боради. Бокий гў-заллик, бокий ҳақиқат билан фаний гў-заллик, ўткинчи ҳақиқатнинг зиддиятлари асосига ўз ахлоқий, фалсафий қарашла-рини қуради.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, Навоий сатрларидан ҳаммавақт Қуръон оятларининг ҳайбатлари ва одамини са-киннага қорловчи садолари келиб туради. «Холбуки, охират яхшироқ ва бокий-роқдир» («Аъло», 17). Фақат бир шарти борки, одабийликда камол касб этилган бўлсагина, одабийга охират ҳақиқатан ҳам яхшироқ ва бокийроқдир.

Жумла жаҳон фаний мутлақ дурр Бокий мутлақ тиласанг ҳақ дурр...

Сураи «Аъло»да ҳидоят эгаси Оллоҳ ўткинчи дунёда ўт-ўланларини ундириб чиқариб, сўнг уни қорайган хас-хашаққа айлантирганлиги эслатилади. Сўфийлар фалсафий дунёқарашларида ўткинчи дунё — даҳрни бебақо ва хароб деб қараш кўп асрлар давом этди. Навоий бу ўткинчи-лик ғоясини — огоҳликка қақирадиган го-яни «Хамса» ва бошқа буюк ахлоқий асар-ларида бадийи юксак нафосат билан кайд этиб бораркан, ундан ўзининг одабий-ликда огоҳлик ғоясини хар томонлама ку-чайтириш мақсадида тўла истифода этади. Бу Навоийда жуда юксак фикр ва ғоялар тизими тусини олади.

У Навоий яратган инсон фалсафасининг, Навоий дунёқарашининг таркибий қисмига, бу дунёқарашини мунтазам тутиб турган қу-ламас кўрғон, минора, устунга айланади. На-воий бу юксак ғояни — унинг юксаклигини таъкиллаш учун ўта муволажалдор образлар воситасида муҳрлаб боради.

Навоий огоҳлик кадрити тушунчаси — ғоясининг моҳиятини шохлик — гадоллик, ўткинчилик — бокийлик сингари бир-би-рига зид тушунчаларга мувожабат этиб, бўрт-тириб ифодалади. Бўрттириш қанча кучли бўлса, фикрнинг аҳамияти шунча равшан-роқ очилади. Бундай ҳолларда Навоий ҳук-мининг ҳам тасдиқ ҳам инкор шаклларидан

фикрий тизимларида гоёт усталик билан фойдаланади. Қаршилантиришларнинг гў-зал силсилаларида ўз ғоясининг гўзал, жо-зибадор тасдиқларини очади:

Бўлса гаддо тангридин огоҳлиги Бордур анга икки жаҳон шохлиги...

Навоий ривоят қилишча, қадимият подшоҳларидан Иброҳим Алҳам кўнглига гайб зилзиласи тушиб, тахту салтанатини ташлаб, мулклару хайлу хашамларидан бу-тунлай юз ўгириб, Каъба зиёратига йўлга тушди. У чўл, сарҳолардан пойи шёда ўтиб бораркан, хар қаламда икки ракат на-моз бодатини тарк этмай адо этарди. Шу тарика у ўн тўрт йил деганда Каъба зиёра-тига етиб келди. Унинг ҳолатида бир ғо-рийиб ҳодиса содир бўлди. Маккага етиб яқинлашганда, қарайдики, байтул-ҳарам ўз ўрнида йўқ. Иброҳим Алҳам фиғон че-ки нола қилади:

— Ё илоҳо, бу недур?

Шунда гайбдан бир садо келдики, сахро эстагида бир аёл шавқ ва муҳаббат юкдан қадди тамомила дол бўлиб, ожиз-ликдан юришга мадори қолмади. Унинг юрولмай қолганини кўриб Каъба уни та-воф қилгани борди. Иброҳим Алҳам ка-раса, Робия келаётган экан. Ўн тўрт йил ке-ча-қундуз ибодатда Каъба сари йўл боғган Иброҳим ҳайратга тушиб сўради:

— Мен кўп ранж-азиятлар чекиб кел-дим, лекин ганж сента насиб бўлди. Бунинг сабабини сен айтмайсанми, эй Робия?

Робия жавоб берди:

— Огоҳ бўл. Неча йиллар арзи на-моз қилиб йўл босдинг. Мен эса арзи ниёз ила илтижо қилиб келдим. Сенга намозу риё самара берди. Бизга ниёзу фано этак тутқази...

Риёзату машаққатлар тағдида риё ва ик-киозламачилик яшириниб ётган бўлса, бу ҳам Худого маълум. Лекин ўз меҳнат ма-шаққатларига ҳеч қандай мукофот қутма-ган, балки муҳаббати ва ниёз даъвати би-лангина йўлга чиққан Робиянинг холис илҳосига Каъба таъзимга чиқди.

Робиянинг шохлигини фақирликка ал-машган Иброҳим Алҳамга қарата: «Огоҳ бўл!» — дейишида Навоийнинг севган шiori бор. Навоий назарида Робиянинг мухтож-

лиги — ниёзи, илтижолари Иброҳим Алҳамнинг ранжу риёларидан беҳад куч-лироқ. Бепоён улуг осмон кўз ўнгига эса бу беҳад мақбулроқ, марғуброқ. Шунинг учун Каъба чин ёлвориш ва илтижога пешвоз келади.

Муштоқлик, илтижо, мухтожлик, яъни ниёзнинг қадри Навоий дунёқараш ва го-ялари тизимларида жуда олийдир. Навоий риёсиз огоҳликни энг юксак фикр, ҳаракат тарзида улуглайди ва уни ўз ранг-баранг қахрамонлари сийратлари ва сиймоларида бирин-бирин кашф қилади.

Махлас иши барчага ниятдадур Топмоқ ани лек машиятдадур...

Навоий жуда улуг мақомдаги фикрла-рини мана шундай ўта содда ва ўта хик-матли тарзда ифодалашда тенгсиздир. Илҳос иши кўнгилдаги ниятга кўра бўлар-кан. Лекин ниятга етишмоқ фақат ҳаракат ва инсон гайратигагина боғлиқдир.

Иброҳим ҒАҒУРОВнинг «Ҳаё — халоскор» китобидан олинди

Мутафаккир таърифида

Бу кун назм арқонининг рубои масқудида қахрамон ултурур ва бу мамолик фатҳига соҳибқирон ани деса бўлур.

Эрур сўз мулкининг кишварситони, Каю кишварситон, хисрав нишони,

Дема хисравнишонким, қахрамони Эрур гар чин десан соҳибқирони. Хусайн Бойқаро

Соҳиби давлат Алишер Навоийдирки, бизнинг замонимиз унинг билан шарафлидир. Унинг табиий майли ва қобилиятининг кўлами икки тилда — туркий ва форсийда шеър айтишга қодир бўлса-да, таъбининг майли форсийдан кўра туркийга кўпроқдир. Низомий «Хамса»си жавобиде ўттиз мингга яқин байтдан иборат туркий маснавийлари («Хамса»си)дирки, ҳеч қим ундан кўп ва ундан ҳўб шеър айтган эмас ва назм гавҳарига сайқал берган эмас.

Абдурахмон Жомий

...то қиёматгача ва қиёматда ҳам улуг Ҳазратнинг (яъни Навоийнинг — Э.О.) ёқимли феъллари ва яхши ишлари замон саҳифаларида, кеча ва кундуз варақларида мангу қолур.

Хондамир

Навоий фақат улкан мутафаккир ва шоиргина эмас, балки ўз халқини чиндан севувчи Инсон ҳамдир. Бундай Инсон абадий барҳаётдир.

Е.Э.Бертельс


Биз буюк Алишер Навоий мерос қилиб қолдирган ижодий мактабни, унинг сабоқлари ва аънаналарини кўз қорачиги сингари авайлашимиз зарур.

Чингиз Айтматов

Билиб қўйган яхши

Меркурийнинг тожи — Алишер

Меркурий барча сайёралар орасида Қўёшга энг яқин турувчи фазо жисми ҳисобланади. Эътиборли жиҳати, Меркурий шимолий ярим шарининг энг юқори қисмида сайёранинг тожи бўлган, вулкан кратери бор. 2008 йилда мазкур кратерга дунё олимлари ва астрономлари томонидан бир овоздан буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий номи берилган.



Шунингдек, Москва, Ўш, Бoku, Токиода, Хитойнинг Шанхай университети марказий майдонида улуг бобокалонимизнинг хайкаллари ўрнатилган. Вашингтонда Алишер Навоийга хайкал ўрнатилиш масаласи шахар раҳбариятининг иш режасига киритилган. Олма-отдаги асосий йўллардан, Киевдаги асосий кўчалардан бири, Душанбе, Бoku, Ашхобод шахарларидати кўчалар буюк бобокалонимиз номи билан аталади.

Жамшид ЭРҒАШЕВ, «Ishonch» муҳбири



Исроҳ ХАСАНОВ олган сурат

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Husan ERMATOV

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'oti — 256-87-63
 Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
 Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
 E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. **Korxonamanzilli:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:

2021 0000 0004 3052 7001,
 ATIB «poteka bank» Yashnobod filiali,
 bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 87100

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
 Andijon — (+998-91) 475-23-60
 Buxoro — (+998-93) 653-50-81
 Jizzax — (+998-91) 943-67-44
 Namangan — (+998-90) 260-50-77
 Navoiy — (+998-93) 314-13-03
 Samarqand — (+998-97) 915-50-87
 Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
 Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
 Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
 Xorazm — (+998-90) 719-48-00
 Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:

U. Ibdonov
Navbatchi: N. Mahamov
Musahhirlar: S. Shodiyeva
Sahifalovchilar: H. Abdullalilov
 Bosishga topshirish vaqti — 22:15
 Topshirildi — 23:40
 1 2 3 4 5 6
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma A — 209.
 35402 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133